

# ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ассистенти  
Мухамедова С.И.*

*Аннотация: Мақолада қўшма корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан фойдаланиши ва ўз молиявий ҳисобитларини ҳам шу стандартлар асосида тузиш зарурати асослаб берилган.*

*Калит сўзлар: қўшма корхоналар, бухгалтерия ҳисоби, халқаро стандартлар, молиявий ҳисобитлар, иқтисодётни модернизациялаш.*

*Аннотация: В статье обосновывается необходимость использования совместными предприятиями международных стандартов бухгалтерского учета в бухгалтерском учете и составления своей финансовой отчетности на основе этих стандартов.*

*Ключевые слова: совместные предприятия, бухгалтерский учет, международные стандарты, финансовый учет, модернизация экономики.*

*Abstract: The article justifies the need for joint ventures to use international accounting standards in accounting and to draw up their financial accounts based on these standards.*

*Key words: joint ventures, accounting, international standards, financial accounts, economic modernization.*

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилликка эришган кундан бошлаб барча соҳаларда ўзгаришлар жараёни рўй берди. Мамлакатда қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши учун объектив ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Иқтисодётни модернизациялаш шароитида республикамиз иқтисодиётини тубдан ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири, бу фаолият юритаётган қўшма ва хорижий корхоналарини ривожлантириш ҳамда рақобат муҳити шароитида қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришдан иборат. Шунингдек, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларининг миллий ҳисоб тизимини тўғри юритишлари ва қўшма корхоналарда ҳам қўлланилаётган миллий ҳамда халқаро бухгалтерия стандартларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини халқаро стандартларга ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари етарлича ишлаб чиқилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш давлат аҳамиятига молик вазифа ҳисобланади. Зеро, Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4611-сонли қарорида бу

борада қатор чора-тадбирлар белгиланган ва уларни бажариш бўйича мансилли йўл харитаси тасдиқланган. Ушбу йўл харитасида белгиланган чора-тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш республикамизда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларини жорий этилишига, шунинг асносида мамлакатимизга катта миқдордаги хорижий инвестицияларни кириб келишига имкон беради.

Қўшма корхоналарни мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятли томони шундаки, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўзида мужассамлаштирган ҳолда қўшма корхоналарда миллий андозаларга асосланган тарзда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини миллий стандартларига яқинлаштириш орқали корхоналарни янада юқори поғонага олиб чиқади. Ҳозирда бутун дунёда ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб турган бир пайтда Ўзбекистонда бунинг акси бўлаяпти.

Бу жараёнда эса ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самараси деб биламиз. Албатта шундай жараёнда бухгалтерия ҳисоби стандартларининг аҳамияти миллий ва қўшма корхоналаримиз учун ҳам ўз ўрнига эга. Чунки, бухгалтерия ҳисоботи ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар шунингдек, қўшма корхоналарнинг ҳам кўзгуси ҳисобланади. Инвесторлар, кредиторлар ва ундан ахборот сифатида фойдаланувчилар учун асосий манба - бухгалтерия ҳисоботидир. Шу сабабли мамлакат ривожига бухгалтерия ҳисоботининг таъсири бор бўлган омил сифатида қарашимиз мумкин. Чунки, мамлакатлар иқтисодиётининг пасайиши ўрганилганда бухгалтерия ҳисоботларида учраган ноаниқликлар ва уларнинг аудиторлар томонидан ўз вақтида қайд этилмаганлиги деб ҳам кўрсатилаяпти.

Шу сабабли ҳозир халқаро бухгалтерия ҳисоботи ва унда фойдаланиладиган ҳисоб стандартларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Чунки, бугунда қўйилаётган асосий мақсад ҳисоботда фойдаланувчилар учун керак бўлган барча маълумотлар ўз аксини топиши тақозо этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам қўшма корхоналар фаолиятида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ва айнан халқаро стандартлар талабларига мос келадиган миллий ҳисоб тизимимизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг яна бир босқичи деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кунда қўшма корхоналар фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг энг долзарб муаммоларидан бири бу халқаро стандартларни қўллаш ва ундан тўғри фойдаланишни ташкил этишдир. Бизнинг ҳисоб тизимимиз ҳам халқаро стандартлардан деярли фарқ қилмайди. Шу билан бирга иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоб стандартларига яқинлаштириш орқали корхоналаримизнинг рақобатбардошлигини таъминлашга эришишимиз мумкин.

Жаҳонда қўшма корхоналар, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботнинг (IAS 1), молиявий инструментлар таҳлили ва ҳисоботи (IAS 32, 39, IFRS 7), инвестицион мулк (IAS 40), активларнинг қадрсизланиши (IAS 36), ўзгарувчан иқтисодиёт шароитида специфик хавфларнинг ҳисоботи ва баҳоланишининг муаммолари, каби стандартларни қўллаш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, бугунки кунда бухгалтерия ҳисоби жамият билан ушбу жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб боровчи тизим бўлиб жамиятнинг ривожланиш даражаси, унинг талабларига қараб ўзгариб боради ва такомиллашади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- Бухгалтерия ҳисоби, унинг шакли ва юритилиш усуллари ижтимоий –иқтисодий ривожланиш талабларига асосан ўзгариб боради ва такомиллашади.
- Бухгалтерия ҳисоби такомиллашишининг муҳим йўналиши- бу ҳисоб ва ҳисобот шакллари, юритилиш усуллари халқаро талабларга (андозаларга) мослаштириш.
- Миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш вазибаларидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби объектларини илмий жиҳатдан асослаш ва тан олиш.
- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро усуллари кенг жорий қилиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. «Чилматова, Д. А. (2022). Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш. *Scientific progress*, 3(2), 552-558.
2. Ганибаев, И. (2021). Миллий ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш. *Экономика и образование*, (6), 100-104.
3. Эгамбердиева, С. Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти.« *инновацион иқтисодиёт: муаммо, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари*» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й, 460.
4. Bondarskaya, O. V., Tukhtabaev, J. S., Akramova, R. R., Saidrasulova, K. B., Shirinov, U., & Kurbanova, Z. T. (2023, April). The Impact of Digitalisation on the Safe Development of Individuals in Society. In *Internet of Things, Smart Spaces, and Next Generation Networks and Systems: 22nd International Conference, NEW2AN 2022, Tashkent, Uzbekistan, December 15–16, 2022, Proceedings* (pp. 299-309). Cham: Springer Nature Switzerland.
5. Широнов, У., & Абдусаидов, С. Суғурта корхоналарида аудитнинг хусусиятлари. *Экономика*, 745-749.
6. Широнов, У., & Нарзуллаев, Н. Молиявий мажбуриятлар аудитини такомиллаштириш. *Экономика*, 810-813.